

«Муъаввизатайн»нинг фазилати



14:00 / 14.12.2022 2640

Абдуллоҳ ибн Хубайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз зулматли ёмғирли кечада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб беришлари учун у зотни ахтариб кўчага чиқдик. У зотни топганимизда, «Айт», дедилар. Мен ҳеч бир нарса айта олмадим. Сўнгра яна: «Айт», дедилар. Мен ҳеч нарса йта олмадим. Сўнгра яна: «Айт», дедилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, нимани айтаман?» дедим. Шунда у зот: «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъзузу бироббил фалақ», «Қул аъзузу бироббиннас» сураларини кечки пайт ва эрталаб уч мартадан айтсанг, сенга ҳар бир нарсада кифоя қилади», дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насайй ва бошқаларнинг саҳиҳ санад билан қилган ривояти.

Термизий ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.